

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



ҚАРШИ МУХАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

МУХАНДИС - ТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ

5620500 – “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва
уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси” бакалавр таълим
йўналиши IV-курс талабаси

ЮЛДАШЕВА ДИЛАФРЎЗ САТТАРОВНА

БИТИРУВ

МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Бешкент пахта тозалаш ОХЖ да уруглик чигитни тайёрлаш,
сақлаш ва қайта ишлаш.

Илмий раҳбар:

доц. З. Ибрагимов

Ишни бажарувчи:

талаба Д. Юлдашева

“Химояга рухсат этилди”
кафедра мудир:

доц. А.А. Абдиев

“ 25 ” 06 2012 йил.

“Химоя учун ДАКга юборилди”
факультет декани:

доц. М.Н. Аликулов

“ 25 ” 06 2012 йил.

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
МУҲАНДИС-ТЕХНИКА факультети

**5620500 – “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш,
сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси”
бакалавр таълим йўналиши**

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
“ҚХМС ва ДИТ” кафедраси мудири
А. Абдиев к.х.ф.и. А.Абдиев
« 21 » 05 2012 йил.

Битирув малакавий иши бўйича
ТОПШИРИҚ

Талаба *Юлдашева Дилораз Саътаровна*

1. Битирув иши мавзуси *Бешкет нафта тозалани ОХМ ва уруғлини қилишни тайёрлаш, сақлаш ва дастла*
и тайёрлаш

Институтнинг №565 буйруғи билан 2011 йил 19 ноябрда тасдиқланган.

2. Талабанинг тугатган битирув ишини топшириш мuddати
21.06.2012 й.

3. Битирув иши учун маълумотлар

Бешкет нафта тозалани ОХМ ва уруғлини қилишни тайёрлаш, сақлаш ва дастла и тайёрлаш учун замонавий технологиялардан фойдаланишни ўрганиш.

4. Хисобий изох қисмининг мазмуни (ишлаб чиқилиши лозим бўлган саволлар рўйхати)

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси, уруғлини қилишни тайёрлаш, сақлаш ва дастла и тайёрлаш учун замонавий технологиялардан фойдаланишни ўрганиш.

5. Чизмалар руйхати (бажарилиши шарт бўлган чизма ва графиклар)

6. Битирув иши бўйича маслаҳатчилар (уларга тегишли лойиха бўлимидан кўрсатилсин)

7. Малакавий битирув иши бажарилиши бўйича календар график.

Хафта лар сони	Малакавий битирув ишининг булимлари	Ҳажми, бет	Умумий ҳажмга нисбатан, %	Бажарил ганлиги тўғриси даги белги	Изоҳ
29.05-23.06	Қисқисим	6	6,3	Бажарилади	
29.05-2.06	Технология қисми	40	41,7	Бажарилади	
29.05-26.06	Чисмани қисми	17	17,7	Бажарилади	
4.06-6.06	Меҳнатни муҳофизат қилиш	10	10,4	Бажарилади	
7.06-8.06	Агрег-муҳим муҳофизат	7	7,3	Бажарилади	
10.06-13.06	Иқтисод қисми	8	8,1	Бажарилади	
14.06-16.06	Эҳсон ва таълим	4	4,2	Бажарилади	
18.06-23.06	Резервация арабистлар қисми	4	4,2	Бажарилади	
		96	100%		

Малакавий битирув иши раҳбари
Маслаҳатчи:
Тошширик олинган кун
Талаба

Ишраф уст. З. Қўрашмов
Алиев 25.05.2012
Қўрашмов З.

МУНДАРИЖА

Кириш	
I. Умумий қисм	
1.1. Уруғлик пахтани териб олиш.....	
1.2. Тайёрлов пунктларида уруғлик пахтани қабул қилиш.....	
1.3. Сақлаш шароитининг уруғлик сифатига таъсири.....	
1.4. Пахта тозалаш заводларида уруғлик пахтани қайта ишлаш ва уруғлик тайёрлаш.....	
II. Технологик қисм	
2.1. Уруғлик чигитларга қўйиладиган талаблар.....	
2.2. Уруғлик чигит тайёрлаш ускуналари.....	
2.3. Туксизлантирилган уруғлик чигитларни тайёрлаш технологияси.....	
2.4. Туксизлантирилган уруғлик чигитларни тайёрлашнинг такомиллашган технологияси.....	
2.5. Пахта тозалаш заводининг ишлаб чиқариш дастурини ҳисоблаш.....	
2.6. Мавсумда 5000 тонна уруғлик чигит тайёрлаш цехининг технологик ҳисоби.....	
2.7. Уруғлик чигитни ташиш ва сақлаш.....	
III. Меҳнатни муҳофаза қилиш	
IV. Атроф муҳит муҳофазаси	
V. Иқтисодий қисм	
Хулоса ва таклифлар	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон чигитли пахта толасини ишлаб чиқариш бўйича дунёда олдинги беш мамлакат қаторидан ўрин эгаллаган. Толани Экспорт қилишда Америка қўшма штатларидан кейин иккинчи ўринда туради.

Республика пахта тозалаш саноати тизимида 99 та пахта тозалаш корхоналари, 511 та чигитли пахта тайёрлов масканлари (пунктлари), 14 та экспериментал механика заводлари, 21 та хўжалик ҳисобидаги корхоналар, 48 та пахта чигитини туксизлантириш, 107 та дорилаш цехлари ва бир қанча қурилиш материаллари, брезент, қоғоз қоқ, жин ва линтер ускуналарига колосниклар ишлаб чиқарувчи сеҳлар ишламоқда.

Шу маънода Вазирлар маҳкамасининг 17.11.2000 ва Ўзбекистон Республикаси президентнинг 11.06.2001. формонларида Республикамизда пахтани тозалаш саноатини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, пахта саноатини давлат тасарруфидан чиқариш уни ривожлантириш, чет эл технологияларини жорий қилиш, жаҳон бозорини урганган ҳолда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича пахта саноатини ривожлантириш чора тадбирлари белгилаб берилган.

Барча пахта тозалаш заводлари давлат тасарруфидан чиқарилган очик аксиядорлик жамияти бўлиб ҳисобланади ва йилига Ўзбекистонда етиштириладиган барча ўрта ҳамда узун толали чигитли пахтани қайта ишлаб бериш қуатига ега.

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси таркибида соҳага янги ва такомиллаштирилган техника, технологиялар жорий етиш, меъёрий ҳужжатлар яратиш вазифасини бажарувчи «Пахтасаноатилм» илмий-ишлаб чиқариш маркази ташкил топди.

Пахта тозалаш саноатининг ривожлантириш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантиришнинг 2005-йилгача дастури бўйича пахта тозалаш заводларини тезкорлик билан таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Экологик муҳитни яхшилаш ва хомашё масканларига яқинлаш-тириш учун аҳоли зич боиган шаҳарларда жойлашган пахта тозалаш заводлари тугатилиб, шаҳар ташқарисидаги пахта тайёрлов масканлари ҳудудида янги корхоналар барпо етилмоқда. Жумладан, 1995—1998-йиллари Янгийи, Андижон-1, Андижон-3, Наманган-3/4, 2000—2002-йилларда еса Гиждувон, Когон, Жиззах пахта тозалаш заводлари ўз фаолиятини тўхтатди.

Республика бўйича 21 та пахта тозалаш корхоналари қайта такомиллаштирилиб, замонавий, тежамли, ихчам технология билан таъминланган ҳолда қайта жиҳозланди.

Ўтган 15 йил давомида Бухоро вилоятида «Жондор», «Ғала Осиё», Қашқадарё вилоятида «Муборак», Наманган вилоятида «Оқтош», Фарғона вилоятида «Боғдод», «Риштон», Хоразм вилоятида «Хазорасп», «Ханка-Шуя-Ўзбекистон-Россия», «Ўзбекистон-Россия-Британия», Андижон вилоятида «Ўқчи», Тошкент вилоятида «Янгийн» пахта тозалаш заводлари каби Ўзбекистон Республикаси бўйича 15 та янги заводлар ишга туширилди. Улардан 4 таси шаҳар ҳудудидаги ёпилган корхоналар ўрнида қад ростлади.

2010-2011 йилларда Бешкент пахта тозалаш заводи махсулаштирилган уругилик чигит тайёрлаш заводида айлантеририлиб, қайтадан такомиллаштирилиб жиҳозланди.

Ҳозирги кунда пахта тозалаш саноати корхоналари уч сменада ишлаб, йилига 4,5 миллион тонна чигитли пахтани қайта ишлаш имкониятига эга.

Президентимиз Ислон Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарида қишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш саноати фаолияти ҳам кенг ёритилган.

Қишлоқ хўжалиги тармоғида ҳам муҳим ижобий натижалар қўлга киритилиб, ўтган йилга нисбатан 4,5 фоиз ўсишга эришилди. 3 миллион 410 минг тонна пахта хомашёси тайёрланди, 6 миллион 330 минг тонна ғалла, шу жумладан, 6 миллион 145 минг тонна буғдой етиштирилди. Аксарият қишлоқ хўжалиги махсулоти турларини ишлаб чиқариш бўйича ўсишга эришилди .

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар орқали эришилган натижалари тўғрисида тўхталар экан, Президентимиз ўтган йилда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини янада ошириш принципиал муҳим аҳамиятга эга эканини инобатга олиб, фермер хўжаликларига ажратилаётган ер майдонларини оптималлаштириш борасида зарур ишлар амалга оширилганлигини, дастлаб зарар кўриб ишлайдиган, рентабеллиги паст ва истиқболсиз ширкат хўжаликларини тугатиш негизида ташкил етилган хусусий фермер хўжаликлари бугунги кунда ҳақли равишда қишлоқда етакчи бўўинга – қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий кучга айланганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Президентимиз ўз асарларида Инқирозга қарши чоралар дастурининг конкрет бўўлимлари – белгиланган комплекс чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтиб, мазкур чора-тадбирлар орқали ҳал этилиши лозим бўўлган асосий вазифаларни белгилаб бердилар.

Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш. Бу вазифа авваламбор иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишлидир. Шунга кўра, ушбу тармоқлардаги корхоналарни бир қатор асосий йўналишлар бўўйича қўллаб-қувватлашни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, мамлакатимиз етакчи тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўўйича турли муддатларга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқилган ва изчил равишда амалга ошириб келинмоқда.

Маҳаллийлаштириш дастури ўз мазмунига кўра республикамиз корхоналарида замонавий талабларга жавоб берувчи, рақобатбардош ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, асоссиз импорт ҳажмини қисқартириш, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш, янги иш жойларини яратиш каби мақсадларни намоен этади. Мазкур

дастурнинг ривожланиш босқичлари Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган бир қатор меъёрий ҳужжатлар, жумладан: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 январдаги 18-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 22 июндаги ПҚ-386-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 майдаги 93-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 майдаги ПҚ-879-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 3 июлдаги 149-сонли қарори орқали белгилаб берилган.

Дунё бозорида пахта толасининг сифат курсаткичларини жаҳон стандартлари даражасида мунтазам равишда сақлаб туриш учун ўз вақтида юқори техника ва технологияни қўллаб, ишлаб чиқаришни тўла автоматлаштириш лозим.

Маълумки, пахтани хосилдорлигини ошириш, чигитли пахта сифат курсаткичлари куп жихатдан уруглик чигит сифат курсаткичларига боглик булади. Уруглик чигит ишлаб чиқариш жараёнлари унинг сифат курсаткичларига таъсир килади ва бугунги кунда уни пухта урганиб чиқишга долзарб масала ҳисобланади.

Шу сабабли пахта хом ашёсини дастлабки кайта ишлаш жараёнларини чигитнинг технологик курсаткичларига қай даражада таъсир курсатишини аниқ билиш ҳамда мавжут салбий нуксонларни бартараф этишда оқилона технологияни жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Битирув малакавий ишнинг асосий максоди ҳам туксизлантирилган уруглик чигит тайёрлаш жараёнларини урганиш ва қулланилаётган технологияни такомиллаштиришга қаратилган.

Ишнинг мағсади: Бешкент пахта тозалаш заводининг уруглик чигит тайёрлаш, сақлаш ва кайта ишлаш технологик жараёнларини урганиш асосида маҳсулот сифатини яхшилаш ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Ишнинг вазифалари: Уруглик пахтани териш, тайёрлаш ва сақлаш технологиясини урганиш; Бешкент пахта тозалаш заводида уруглик пахтани

кайта ишлаш технологик жараёнларини урганиш; уруглик пахтани тайёрлаш, саклаш ва кайта ишлашда махсулот сифатига таъсир этувчи омилларни аниклаш; уруглик пахтани кайта ишлашда уруглик чигит сифатини саклаб қолиш буйича хулосалар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

I. УМУМИЙ КИСМ

1.1. Уруғлик пахтани териб олиш

Қишлоқ хўжалиги ишлари орасида энг мураккаб ва масъулиятли хисобланади. Ҳосилни йиғиштириш пахтанинг юқори сифатли уруғлик фондини яратишда энг қизғин ва ҳал этувчи босқичдир. Ғўза кўсагининг ҳаммаси бир вақтда эмас, балки аста-секин очилиши билан бошқа маданий экинлардан фарқ қилади, бу эса пахта ҳосилини, айниқса уруғлик пахтани териб олишни анча қийинлаштиради.

Уруғлик пахтанинг сифати энг аввал кўсақларнинг тупда жойланишига, зараркунанда ва касалликлар юққанлигига боғлиқ. Тупнинг ўрта ва пастки қисмида, иккинчи ва қисман учинчи конусда жойлашган кўсақлар энг қимматлидир. Бу кўсақлар совуқ тушгунча яхши етилади ва улардан етилган тола ҳамда уруғ олинади.

Уруғлик пахтанинг сифатига ғўзанинг зараркунанда ва касалликлари анча ёмон таъсир этади. Кемирувчи зараркунандалар билан шикастланган кўсақлар чирий бошлайди ёки ундан паст сифатли пахта олинади. Бундай кўсақларнинг пахтаси сарғиш, кул ранг тусда бўлади. Пахта бити ажратадиган ёпишқоқ шира пахтани ифлослайди ва «оқ шира» ҳосил бўлади, унда қоракуя замбуруғлари кўпайиб, «қора шира»га айланади, натижада оқ пахта қора тусга киради, шу билан уруғлик пахтанинг сифати пасаяди. Гоммоз юққан кўсақларнинг пахтаси пишмаган, сарғиш ва толаси ёзилмайдиган паст сифатли бўлади. Вилт юққан ғўзалардан айниқса дастлабки даврда (июнь – июлда) ҳам паст сифатли тола ва чигит олинади.

Ғўза экини атрофидаги муҳитда ҳаво намлиги юқори бўлса, очилган кўсақдаги толада уни турли хил рангга киритувчи замбуруғлар ривожланади. Бундай кўсақларнинг толаси момиқланмайди ва толанинг ҳамда уруғлик чигитнинг сифати анча пасайиб кетади.

Сифатли уруғлик тайёрлаш учун фақат соғлом ва яхши очилган кўсақлардаги пахта териб олинади. Терилган бу пахтани касал юққан

кўсаклардан терилган паст сифатли пахта билан аралаштириб юбормасдан ҳосилни алоҳида-алоҳида териб олиш керак. Уруғлик пахта фақат кўлда алоҳида-алоҳида терилади. Бунинг учун ҳар бир теримчига иккита-учта чўнтакли махсус этаклар берилади, бу чўнтакларнинг бирига яхши очилган, бошқасига эса ривожланмаган, касалланган кўсаклардаги пахта териб солинади.

Уруғлик пахтани алоҳида териш қоидасига риоя қилиш учун уруғлик пахта териш меъёри маҳсулот учун териладиган пахта меъёридан 20 – 25 % га камайтиради. Уруғлик пахта бир-икки марта териб олинади. Ғўза тупида тўлиқ етилган, нормал очилган 3 – 5 та кўсак мавжудлигида биринчи марта терилади. Ҳосил фақат тўлиқ очилган кўсаклардан териб олинади, бунда чала очилган кўсаклардан нам, пишмаган пахтани теришга йўл қўймаслик керак.

Иккинчи марта ҳам ўсимлик тупида пишган, яхши очилган 3 – 5 та кўсак борлигида терилади. Иккинчи терим одатда 7 – 9 ҳосил шоҳидаги биринчи кўсаклар очилганда бошланади. Уруғлик пахтани тайёрлов пунктларига жўнатгунча хирмонларда тўғри сақлаш уруғликнинг сифати учун катта аҳамиятга эга. Уруғлик пахтани ривожланмаган, касалланган кўсаклардан териб олинган пахтадан алоҳида сақлаш учун хирмонларда алоҳида ва доимий жой ажратилади.

Уруғлик пахтани тайёрлов пунктларига топширишдан олдин у хирмонларда бир-икки сутка давомида офтобда қуритилади. Бу усул уруғнинг сифатини бирмунча яхшилайти, уларнинг етилишини тезлаштиради ва унувчанлигини ҳамда униб чиқиш энергиясини оширади.

Учинчи репродукция экилган майдонлардан ҳамма уруғлик пахтани кўлда териб олиш учун айрим хўжаликларда ишчи кучи етишмаса, қисман машина теримига йўл қўйилади. Машина теримига кўсакларнинг ярми (лекин 60 % дан ортиқ эмас) очилганда киришилади. Машина теримига ажратилган далалардаги уруғлик пахтани машинада теришдан олдин ривожланмаган, зараркунандалар ҳамда касаллик юққан барча кўсаклар ва ўсимликларнинг

пахтаси қўлда териб олинади. Машинада теришда чигитнинг механик шикастланмаслигига алоҳида эътибор берилади.

Машинада терилган уруғлик пахтада шикастланган чигитлар 2 % дан ва пахтанинг намлиги 10 % дан юқори бўлмаслигига эътибор берилади. Қўлда терилган уруғлик пахтанинг намлиги 8 % дан ортмаслиги керак.

Уруғлик пахтани тайёрлов пунктига жўнатишда накладной қўшиб берилади. Қўлда терилган пахта кўндаланг қизил чизиқли, машинада терилгани кўндаланг яшил чизиқли, техник пахта эса чизиқсиз накладной билан жўнатилади.

Элита ва биринчи репродукция уруғлик пахта тайёрлов пунктига янги копларда тортилиб жўнатилади. Бунда ҳар бир қоп ичига нави, репродукцияси ва етиштирилган жойи кўрсатилган ёрлик солиб қўйилади ва қоп устига ҳам шу мазмундаги ёрлик ёпиштирилади. Ривожланмаган, касал кўсаклардан терилган пахта тайёрлов пунктига уруғликдан алоҳида ва товар сифатида жўнатилади.

1.2. Тайёрлов пунктларида уруғлик пахтани қабул қилиш.

Тайёрлов пунктларида уруғлик пахта уруғ тайёрлаш режасига ва пахта майдонларидаги апробация натижаларига мувофиқ қабул қилинади. Қабул қилишда накладной ёзувлар ва уларнинг апробация далолатномасига мувофиқлиги текширилади. Уруғлик пахта сифати Ўз РСТ 642 – 95 бўйича биринчи навга мос келиши ва намлиги синфлар бўйича кўпи билан 8 – 9,5% бўлиши мумкин.

Ҳар бир хўжаликдан қабул қилинган уруғлик пахта, одатда, оғирлиги 250 – 300 тоннали алоҳида бунт қилиб жойланади.

Уруғлик пахтани қабул қилиш билан бир вақтда пахта тозалаш заводларининг ОТК си ҳар бир хўжаликнинг топширган пахтасидан чигитнинг пишганлиги ва унувчанлигини уруғлик пахта лабораториясида текшириш учун намуналар олади. Бу текширишларнинг натижалари тахминий ҳисобланади ва белгиланган уруғ тайёрлаш режасини бажариш учун зарур миқдордаги энг яхши уруғлик пахта партияларини танлаб олиш учун хизмат қилади.

Элита уруғлик пахта хўжаликлардан қабул қилиб олингандаги янги копларда сақланади. Турли сифатли уруғлик пахта аралашиб кетмаслиги учун бир омборда бир хил сифати билан тавсифланадиган фақат бир партиядоги уруғлик пахта сақланади.

Уруғлик пахта сақланадиган ҳар бир омборда ёки той жойлаштирилган майдончада қуйидаги кўрсаткичлар: партия рақами, селекцион нави, саноат нави, репродукцияси, навдорлиги, далалар гуруҳи, омбор рақами, партиянинг оғирлиги, комплектлашнинг бошланиши ва охири, қўл ёки машина терими, товаршуноснинг фамилияси ёзилган карточка-паспорт ўрнатилади.

Сақлаш вақтида уруғлик пахтани текшириб туриш учун ҳар 10 кунда иссиқлик ўлчагич ёрдамида бунтнинг ҳарорати ўлчаб турилади. Агар уруғлик пахта сақланаётган бунтнинг 3 метр чуқурлигида ҳарорат 30 °С дан ортиқ бўлса, бундай пахта 2 – 3 ой давомида қайта ғарамлаш учун туширилади ёки ҳароратини пасайтириш учун яхшилаб шамоллатилади. Уруғлик пахта тайёрлов пунктидан пахта тозалаш заводларига қопларда ташилади.

1.3. Сақлаш шароитининг уруғлик сифатига таъсири.

Уруғлик материалнинг сифат кўрсаткичларига ва ҳосил хусусиятларига уни сақлаш шароити жуда катта таъсир кўрсатади. Сақлаш шароитга қараб уруғликнинг сифати яхшиланиши ёки аксинча ёмонлашиб кетиши мумкин.

Уруғлик пахта, уни заводларда қайта ишлашгача, чигитли пахта ҳамда тайёрлов пунктларда 3-6 ой давомида ғарамларда ва унча катта бўлмаган қисми ёйиқ ҳолда ёпиқ ва қуруқ омборда сақланади.

Ғарамда уруғлик пахтани сақлаш жараёнида, пахта кучли зичланади, ғарамнинг ичига ҳаво деярли ўтмай қолади, оқибатда ғарам атрофидаги шароит кескинлик билан фарқланиб туради. Ғарам ичидаги ҳарорат уни атрофидаги ҳаво ҳароратидан ҳамиша юқори бўлади, пахта намлиги эса қабул қилиш пайтидаги кўра паст бўлади.

Пахта сақлашнинг дастлабки ойида ғарам ичига чуқурлашиб борган сайин ҳарорат ғарамни тўплаш бошлаган пайтдаги каби максимал даражагача

етиб боради, пахта намлиги эса бошланиш пайтдагидан паст бўлади. Ғарам ичидаги юқори ҳарорат шароитида уруғлик пахтани 3 – 6 ой ва бундан узоқ давомида сақланишида пахтанинг намлиги катта аҳамиятга касб этади. Ғарамда сақланадиган пахтанинг бу кўрсаткичи ғарам ичида чуқурлашиб борган сайин пасайиб боради. Масалан, уруғлик пахтанинг қабул қилиш пайтида намлиги 8% ни ташкил қилган, 5 ой сақлашдан кейин ғарамнинг 1-2 м чуқурликда у 6,7 % пасайган бўлса, 3-7 м чуқурликда эса 6,6 фоизгача пасайгандир. Ғарам ичида юқори ҳароратнинг узоқ вақт давомида бўлиши пахтани кўшимча қуритишга ёрдам беради.

Уруғлик пахтани ёпиқ омборларда сақлашда мутлоқа бошқа хил шароитлар шаклланади. Бу ерда чигитли пахта зичланмаган, юмшоқ, бўш ҳолатда сақланади ва ҳаво унинг ичига кириб бориш йўли очик бўлади. Шунинг учун омбор ичидаги ҳаво ҳарорати, сақлашни бутун даври давомида, ташқари ҳаво ҳарорати билан деярли бир хил бўлади. Омборхонада зичланмаган, бўш ҳолатидаги сақланадиган пахтанинг намлиги эса, уни ҳаводан сиқиб чиқиши натижасида кўтарилади.

Х.Р.Рахимов ва Л.Ф.Колярова маълумотларига кўра, пахтани 4 ой давомида сақлаганда ғарамнинг 3 м чуқурликда намлиги 0,7 % камайган, омборда сақланганда эса пахта намлиги 2,3% гача ошган. Ғарамда сақланадиган пахта юқори ҳарорат ва паст намликда чигитларнинг ичидаги физиологик ва биохимик жараёнларнинг 89 ўтишига ижобий таъсир этади. Натижада чигитларнинг пишиб етилиш жараёни тезлашади, бу эса уруғлик сифат кўрсаткичларида намоён бўлади.

Х.Р.Рахимов ва Л.Ф.Руденко маълумотларида ғарамнинг чуқурликдан олинган пахтадаги чигитларнинг барча уруғлик кўрсаткичлари, омборда сақланадиган пахтадаги чигитларга нисбатан яхши бўлиб, чигитларнинг пишганлиги ўртача 8,5 %, униб чиқиш энергияси 2,5% ва унувчанлиги 1 % устун эканлиги келтирилган ва бу далада ўтказилган тадқиқотларда аниқланди. Ғарамда сақланадиган чигитларнинг, омборларда сақланадиганларга нисбатан жиддий устунлигини кўрсатди. Жумладан майсаларни униб чиқиши 0,9 кун,

гуллаш ва кўсакларнинг пишиб етилиши 1-2-3 кун олдин бошланганлиги аниқланди. Чигитларнинг унувчанлиги 8,9% ошди. Бу эса ғўза майсалари туп калинлиги яхши бўлишини ва пахта ҳосилининг 2,1 ц/га ошишини таъминлади.

Ғарамнинг четларидан, остки ва устки қисмидан олинган пахтадаги чигитларнинг уруғлик сифат кўрсаткичлари ва даладаги унувчанлиги паст бўлади. Ғарам марказида ҳарорат 30 0С дан зиёд бўлган шароитда, уруғлик пахтани узоқ вақт давомида (4-5 ой) сақлаганда уруғлик сифат кўрсаткичлари ёмонлашади. Бундай юқори ҳароратда (30 0С), уруғлик пахтанинг намлиги кондцион даражада бўлган тақдирда ҳам, уруғлик сифат кўрсаткичлари ҳосил ҳислатларнинг пасайиб кетиши мумкин. Ғарам ичидаги ҳароратни пасайтириш учун туннеллар қовланади ва ҳаво сўриб олинади.

Уруғлик пахтани териб олишда териш тартиблари бузилса, яъни намлик даражаси юқори бўлганда ҳам, яхши очилмаган кўсаклардан терилган пахта ғарамнинг бир ёки бир нечта жойларга тушади. Ғарам ичида ҳавонинг ҳаракати деярли йўқ бўлган шароитда, пахтанинг юқори ҳарорати ва намлиги узоқ вақт давомида сақланади. Бундай шароитда чигитлар ичида физиологик - биохимик жараёнлар жадаллашади, нафас олиши кучаяди, булар эса катта миқдорда намликни, иссиқликни ва CO₂ газини кўплаб чиқишига олиб келади. Бундай пайтда кислороднинг етишмаслиги пахта ҳароратини янада оширади, оқибатда пахтанинг ўз-ўзидан қизиш жараёни бошланади. Шароитнинг бундай бўлиши чигит ҳамда толада микроорганизмлар ва моғор замбуруғларни кескин ривожланишга олиб келади, чигит ичидаги оқсил моддаларнинг каогуляция юз беради, ферментларнинг фаоллиги пасаяди. Натижада чигитларнинг ҳаётчанлигини қисман ёки бутунлай йўқолади.

Л.Ф.Колоярова, Х.Р.Рахимов маълумотлари бўйича чигитларнинг намлиги 9 % ва чигитли пахтанинг ҳарорати 17–19 0С бўлганда 6 ой давомида сақлаганда ўзининг ҳаётчанлигини камайтирмайди. 40 0С ҳароратда эса, худди шу уруғлик 6 ой сақлагандан кейин униб чиқиш қувватини 11 % гача пасайтирган, чигит намлиги 14 % ва 17 –19 0С иссиқликда 4,5 ойгача

сақлаганда ўзининг унувчанлигини сақлаган, 40 0С ҳароратда сақлаганда эса 3 ойдан кейин булар бутунлай нобуд бўлган.

Бундан кўришиб турибдики, иссиқлик ва намлик уруғлик пахтани сақлашда чигит ва толанинг сифат кўрсаткичларини ҳал қиладиган омиллардандир.

1.4. Пахта тозалаш заводларида уруғлик пахтани қайта ишлаш ва уруғлик тайёрлаш.

Уруғлик пахта қайта ишланганда аррали ёки валикли тола ажратувчи машиналарда чигит толадан ажратилади.

Ўзанинг ўрта толали навлари пахтаси аррали, ингичка толали навлар пахтаси эса валикли машиналарда қайта ишланади. Чигит қолиб кетган толалардан ва қисман тукдан аррали линтерларда икки марта линтерлаб тозаланади.

Чигитни ўз вақтида экишга тайёрлаш учун уруғлик пахта 15 февралгача асосий экишга қайта ишланади. Уруғлик пахта партиясини қайта ишлаш махсус буйруқ – ишлаб чиқариш топшириғи билан расмийлаштирилади.

Уруғлик пахтани қайта ишлашга киришишдан олдин пахта тозалаш заводи корпусининг ҳамма бинолари, технологик жиҳозлар, пахта ва чигит ўтадиган йўллар диққат билан текшириб чиқилади ҳамда техник (товар) пахтадан, чигитдан, ифлосликлардан тозаланади. Пахта тозалаш заводи уруғлик пахтани қайта ишлашга киришгандаги дастлабки ўн минутда олинган чигит алоҳида йиғилади ва товар партиясига ўтказилади. Агар уруғлик пахта муайян навдаги, лекин яхши сифатли ва репродукцияли бошқа партиясига уруғлик пахтадан кейин қайта ишланса, бунда заводнинг дастлабки 10 минутлик иши вақтида олинган чигит олдинги партиясига чигитига қўшиб юборилади. Уруғлик пахтани қайта ишлаш жараёнида, у машина ва линтерларнинг ишчи органлари таъсирига учрайди.

Чигит шикастланиши олдини олиш учун уруғлик пахта техник пахтага нисбатан бирмунча енгил технологик режимда қайта ишланади. Бунда аррали

машинанинг иш унуми бир машинага соатига 560 кг толадан ортмаслиги керак. Экиладиган чигит умумий линт чиқиши 5,5 % ли аррали линтерда икки марта линтерланади, жумладан биринчи линтерлашда – 2,5 %, иккинчисида эса – 3,0 % линт чиқади. Линтерлангандан кейин уруғлик чигит ССЛ-6 русумли машинада экиладиган ва экилмайдиганга ажратилади.

Ингичка толали уруғлик пахтани валикли машиналарда қайта ишлашда ҳар бир нав учун алоҳида технологик режим белгиланади.

Технологик жиҳозларнинг иши доимий равишда, ҳар бир иш сменаси вақтида уруғликнинг шикастланганлик даражасига қараб бошқариб турилади.

Экиладиган ҳамма уруғлик чигит бронотак ёки бошқа препаратлар билан куруқ усулда қайта ишлаб зарарсизлантирилади.

Зарарсизлантирилган ҳамма уруғлик чигит қопларга солиниб, устига «дориланган-заҳарли» деган муҳр босилади, қоп ичига эса уруғликнинг келиб чиқиши, нави, репродукцияси, навдорлиги, далалар гуруҳи, унувчанлиги ва бошқалар ёзилган ёрлик солинади.

Шундай мазмундаги ёрлик қоп устига ҳам ёпиштирилади. Ҳар бир партия уруғлик пахта қайта ишланиб бўлингандан кейин пахта заводи уруғлик пахта лабораториясига белгиланган формада тозалаш натижалари ёзилган маълумотнома топширади, бу маълумотнома уруғликнинг миқдорини ҳисобга олиш ва уруғликни сертификат бериш учун ҳужжат ҳисобланади.

Уруғлик пахтанинг айрим партияларини қайта ишлаш жараёнида пахта заводининг ОТК си уруғликни заводдан чиқараётганда ундан намуналар танлаб олади ва сифатини тўлиқ текшириб чиқиш учун уларни уруғлик пахта лабораториясига топширади.

Уруғлик пахтани қайта ишлаш жараёнида машиналарнинг ишчи органлари чигитни майдалаб юбориши ва шикастлашига ҳамда чигитда тола қолдиғи бўлмаслигига алоҳида эътибор берилади.

Майдаланган ва шикастланган чигит миқдори 5 % дан ва ўрта толали навлар чигитида тола қолдиғи 0,8 % дан, ингичка толали пахта чигитида эса 0,4 % дан ошмаслиги керак. Агар булар белгиланган меъёрдан ортиб кетса,

уруғлик пахта лабораториясининг огоҳлантириши бўйича чигитнинг шикастланиши олдини олиш ва тола яхши ажралиши учун асбоб-ускуналардаги камчилик тезда тугатилиши керак.

Муайян партиядagi чигитнинг уруғлик сифатини тавсифлайдиган ҳамма текшириш ишлари тугагандан кейин уруғлик пахта лабораторияси пахта заводида текшириш натижалари тўғрисида белгиланган формада маълумотнома беради.

II. ТЕХНОЛОГИК КИСМ

2.1. Уруғлик чигитларга қўйиладиган талаблар

Уруғлик чигитга қўйиладиган талаблар экиладиган уруғликка қўйилган давлат стандарти билан (Ўз РСТ 663 - 96) белгиланади. Стандарт талабларига жавоб берадиган уруғлик кондицион уруғлик деб аталади. Давлат стандартида уруғликни категориялар бўйича асосий кўрсаткичлар: унувчанлиги, чигитдаги тола қолдиғи, чигитнинг механик шикастланганлиги, намлиги ва нав тозалиги бўйича йўл қўйилиши мумкин бўлган меъёрлар белгиланган.

Унувчанлик маълум лаборатория шароитида яхши униб чиққан ва фойзда ифодаланган чигитлар сонидир. Чигит унувчанлигига қараб уч синфга бўлинади:

Экиш учун унувчанлиги 85 % дан кам бўлмаган уруғлардан фойдаланилади. Чигитнинг ялпи ва бир текис униб чиқишида ўзининг одатдаги тукидан ташқари унда тола туки қолдиғи бўлиш-бўлмаслиги катта аҳамиятга эга. Чигит сеялкада экилаётганда толалари бир-бирига илашиб, тўп-тўп бўлиб қолади ва сеялканинг чигит тушадиган тешигини беркитиб қўяди. Натижада, чигит экилишига тўсқинлик қилади, бу эса майсаларнинг сийрак чиқишига сабаб бўлади. Шунинг учун чигитдаги тола қолдиғи ўрта толали навлар учун улар вазнининг 0,8 % дан ва ингичка толали навлари учун эса 0,4% ошмаслиги керак.

Уруғлик чигит орасида механик шикастланганлари кўп бўлмаслиги керак, чунки бундай чигитлар экилганидан кейин тупроқда тез чириydi. Стандарт бўйича уруғлик ичида механик шикастланган ва майдаланганлари 5 % дан ортмаслигига рухсат этилади.

Уруғлик чигитнинг намлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳаддан ташқари нам бўлса, унувчанлиги пасаяди, сақланаётганда эса чириб кетади. Уруғлик чигитнинг намлиги 9 - 10% дан ортмаслиги керак.

Уруғлик маълум нав хусусиятига эга бўлиши керак. Экиладиган уруғликнинг нав тозалиги муайян навга хос бўлган ирсий белги ва

хусусиятларга эга чигитлар сони билан белгиланади. Нав тозалик фоиз билан ифодаланади.

Тўртинчи ва ундан кейинги репродукция уруғларнинг нав тозалиги дала апробацияси вақтида белгиланади ва Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Уруглик чигитнинг нав тозалиги 2.1– жадвалда курсатилган талабларга жавоб бериши керак. Чигитнинг унувчанлиги буйича 2.2–жадвалда келтирилган нав тозалиги буйича синфга булинади.

Уруглик чигит ишлаб чиқарувчи ва талабгорлар (бригада, фермер хужалиги) узаро келишувига мувофиқ уруглик чигит буйича 2.3 – жадвалда келтирилгандек усиб чиқиш куввати буйича ҳам тавсифланиши мумкин.

2.1 - жадвал

Чигит авлоди	Нав тозалиги, %
Элита	100
R1	99
R2	98
R3	96

2.2 - жадвал

Синф	Унувчанлик, камида %
I	95
II	90
III	85*

2.3- жадвал

Кичик синф	Усиб чиқиш куввати, камида, %
A	90
B	80
B	70
Г	70 дан кам

Уруглик чигит экишга тайёрлаш буйича куйидагилар булинади:

- тукли (линтердан кейин);
- механик усулда туксизлантирилган;
- кимё-механик усулда туксизлантирилган;

Намлик (намликнинг массавий улуши), ифлослик (минерал ва органик ифлослик аралашмаларининг массавий улуши), туклилик, механик шикастланганлик ва колдик толалик курсаткичлари буйича уруглик чигит 2.4-жадвалда келтирилган меъёрларга муносиб булиши керак.

Туклилиги буйича туксизлантирилган чигитлар тегишли тартибда тасдиқланган намуналарга мос келиши лозим.

2.4 - жадвал

Курсатгичлар номи	Меъёрлар, %					
	Тукли чигитларга			Туксиз чигитларга		
	1 категория	2 категория	3 категория	1 категория	2 категория	3 категория
Намлик, купи билан	9,0	10,0	10,0	9,0	10,0	10,0
Ифлослик, купи билан	0,5	0,6	0,7	0,2	0,3	0,3
Туклилиги, купи билан	-	-	-	0,3	0,4	0,5
Механик шикастланганлиги, купи билан	5,0	6,0	7,0	6,0	7,0	8,0
Колдик толалиги, купи билан:						
Тукли чигитлар учун	0,8	0,8	0,8	-	-	-
Табий туксизлантирилган чигитлар учун	0,4	0,4	0,4	-	-	-

Туксизлантирилмаган уруглик чигитларнинг экиш учун мулжалланган фракцияси улчамлари буйича бир текислилиги 94 % кам булмаслиги, тукилган дори аралашмасининг мавжудлиги эса 0,5 % дан ошмаслиги керак..

2.2. Уруглик чигит тайёрлаш ускуналари

СПС русумли тукли чигитни саралагич аэродинамик усулда саралаш машинаси бўлиб, у чигитнинг энг тўлиқ (оғир) қисмини ажратиш йўли билан уруглик сифатини оширишга мўлжалланган.

Уруглик чигит тайёрлаш технологик жараёнида СПС жараён бошланишида, УСМ-А пневматик чигит тозалагич қурилмадан кейин ўрнатилади. Саралагич ишлаши учун у ҳаво ҳайдаш ва сўриш вентиляторига уланиши лозим.

Жамғариш бункери ёки таъминлагич шахтадан чигит юпқа қатлам билан ҳайдаш қувурининг учига узатилади ва ҳаво оқими таъсири остида енгилроқ ҳамда тукли чигит қия траектория бўйлаб учган ҳолда техник фракцияли чигит тўплаш бункерига тушади.

СП-ЗМ дориллагичи тукли чигитга кимёвий воситалар билан ишлов беришга мўлжалланган. Чигитни дорилаш қуйидаги тарзда амалга оширилади: тукли чигит транспорт қурилмаси ёрдамида чигит таъминлагичи (дозатор) га ортилиб, ундан бир текисда шнекга узатилади. Ўз тузилиши ва ҳаракат принципига кўра, чигит узатиш учун таъминлагич линтер таъминлагичлари қурилмасига ўхшаш.

Шнекнинг қарамақарши учига курук кукунсимон препаратни узатиш учун дозатор ўрнатилган. Дозатор махсус шнек ёрдамида препаратни қабул бункери қобиғидаги тирқишга бир текисда узатади, кукун тўкилади ва шнек билан ташиладиган чигитни дорилайди. Курук кукунсимон препарат тез босилади ва металлга ёпишиши мумкин. Шунинг учун захарли кимёвий воситаларни қабул қилувчи бункер препаратни титиш учун бункерга

жойлаштирилган аралаштиргич ва шнекка ёпишган дорини тозаловчи чўтка билан таъминланган.

Машинанинг чигит бўйича унумдорлигини ва бир тонна дориланадиган чигитга бериладиган дори миқдорини созлаш учун СП-3М қўл ёрдамида созланадиган вариатор билан таъминланган.

Шнекнинг чигит таъминлагич билан заҳарли кимёвий воситалар дозатори ўртасидаги қисмида парраклари йўк. Шунинг оқибатида кўрсатилган жойда чигитдан ҳаво ўтказмайдиган тикин ҳосил қилиниб, препаратнинг бинога сочилишига йўл қўйилмайди. Препарат билан шнекда чангланган чигит ичида айланувчи парракли вали бўлган барабанга туширилади. Парраklar ёрдамида чигит дори билан аралаштирилиб чиқарувчи винтли конвейерга узатилади. Конвейер конструкцияси шнекга ўхшаш бўлиб дорилагичнинг зич берк бўлишини таъминлайди.

Дорилагичнинг асосий камчилиги шуки, у чигитини факат курук усулда кукунсимон препаратлар билан дорилашга мўлжалланган.

ОС русумли уруғлик чигит туксизлантириш машинаси

ОС машинаси пахта тозалаш заводларининг уруғлик чигит тайёрлаш цехларда механик усулда уругликни туксизлангиришга мулжалланган.

Машина икки хил тартибда ишлайдиган қилиб тайёрланган:

— икки карра туксизлантириш тартиби учун — ОС;

— бир карра туксизлантириш тартиби учун — ОС-01. Машинанинг асосий ишчи органларидан ҳисобланган ғалвирли тўр билан чўткали барабан орасидаги бошланғич тирқиш 12—15 мм, кейинчалик у 20 мм.дан ошмаслиги керак. Бошланғич диаметри 250 мм бўлган чўткали барабан симли чўткалардан иборат бўлиб, улар орасига валда буралишининг олдини олиш учуи кистирмалар қўйилади. Барабанга айланиш ҳаракатлантиргачдан эластик муфта оркали узатилади. Чўткали барабан мувофиқлаштирувчи ҳалқаларда 0,5—1,0 мм тирқиш билан жойлаштирилади. Тирқишни созлаш мувофиқлаштирувчи ҳалкани ён девор бўйича силжитиш билан бажарилади.

Уруғлик чигитни туксизлантириш учун ОС машинаси ўкининг айланиш тезлиги 730 айл/дақ ва куввати 11 кВт, ОС-01 машинаси ўкининг айланиш тезлиги эса 975 айл/дақ ва куввати 15 кВт бўлган тўртга ҳаракатлантиргачлар билан таъминланган. Ишлаш принципага кўра ОС машинаси 4СОМ-М машинасига ўхшаш.

Тукли чигит таъминлагич тарнови билан машинага узатилади, у эса машинага тушаётган чигит босимини автоматик усулда саклаш имконини беради ва чўткали барабан билан ғалвирсимон қобик орасидаги ҳалқали тирқишда чигит зичлигини таъминлайди. Тўлдирилмаган ишчи камерага чигит тўскинликсиз узатилади.

Ҳалқали тирқишда муайян зичлик пайдо бўлганда, таъминлагич тарновининг қуйи вертикал қисмида чигит «устуни» ҳосил бўлади. Иш давомида чигит «устуни» пастга тушади ва бўшаган жой тушган чигит билан тўлади.

Ҳалқдли гирқишда интенсив аралаштирилиши натижасида чигит чўткали барабанлар билан ғалвирсимон тўр орасида ишқаланади ҳамда барабан ўки бўйлаб ишчи камерада силжийди. Гардни ажратиш чигитнинг чўткага ва ғалвирсимон қобик тешиклари киррасига ишқаланиши натижасида амалга оширилади.

Ажратилган гард тўр орқасидаги ҳаво камерасига чиқади ва у ердан ҳаю оқими ёрдамида машинадан чиқарилади. Ҳаю сарфи вентиляторнинг оозланувчи тўсиғи ёрдамида созланади. Машинанинг бир меъёрда ишлаши техник тавсифида кўрсатилган технологик тирқишларга қағий риюя қилиниши орқали таъминланади.

Ишчи камераларда чигитни туксизлантиришнинг жадаллиги чўткали барабанлар билан ғалвир тўр орасидаги тирқиш катталигига, кириш ва чиқишдаги ҳалқали тирқишга, юқориги ишчи камеранинг ўтиш тарнови қопқоғи ва пастки иш камерасининг тарнови қопқоғи вазиятига боғлиқ.

Чигит ортик даражада механик зарарланганда чўткали барабан билан қобик орқалиғидаги тирқишларни (ОС машинаси учун қопқокларни олган ҳолда)

созламок даркор. Машинадан чиқадиган чигитнинг туклилик даражаси юқори бўлганда тарновлардаги тўсиклар ҳолатини сошлаш зарур. Машинанинг паспорт тартибида ишлашини

1ЛБ русумли колосниксиз линтер уруғлик чигитни олдиндан туксизлантириш ва киска штапелли момик олишга мўлжалланган. Линтер чигитни механикусулдатуксизлантириш ускуналари таркибида кўлланилади ва ОС чигитни туксизлантириш машинасидан олдин ўрнатилади.

Колосниксиз линтер тузилиши (кўндаланг кесими) 6.5-расмда кўрсатилган. Таъминлагич вариатор ватаъминловчи барабандан иборат. Таъминлагичда кириш тешиги тўсиғи ҳолатини созловчи мослама мавжуд. У чигитнинг машинага бир текисда тушишига ва унумдорликни сошлашга хизмат қилади.

Қуйма конструкцияли ён девортортиш винтларини, металл панжарали барабанларнинг корпусларини, камера ва бошкаларини маҳкамлаш учун хизмат қилади. Чап ва ўнг камералар, тортиш винтлари, шунингдек, пўлат варақдан тайёрланган куйи тортувчи винтлар шундай тайёрланганки, улар барабанлар билан бирга кенгайган ишчи зонани ташкил қилади. Бу ерда зичланган чигит массалари пайдо бўлади. Металл барабанлар симли, чўткали дисклардан йиғилган. Ром, пайвандланган конструкциядан иборат бўлиб, унда машинанингжами элементлари ҳамда электр ускуналарини жўрлаштириш, шунингдек, бутун машинани пойдевор таянчга маҳкамлаш учун хизмат қилади. Иш жараёнида вақт ўтиши билан чўткали барабанлар юзасининг фаоллиги камаяди. Уни тиклаш учун барабанларни ҳар 50—70 иш соат оралиғида силликлаб туриш лозим.

Тукли чигит машинага линтернинг ҳаракатлантиргичи 1 омонида ўрнатилган таъминлагич орқали узатилади. Узатиш миқдорини тўсик билан дасталар тизими орқали ростлаш мумкин. Туксизланган чигит машинадан унга хизмат кўрсатиш томонидаги тортиш тўсинига ўрнатилган чиқариш люки орқали туширилади.

Машина туксизлантириб экиладиган чигитни экиш ва техник фракцияларга ўлчами—калинлиги ва эни бўйича ажратишга мўлжалланган. Туксизлантирилган чигит ўлчами бўйича экувчи аппаратлар экичларининг ўлчамини ҳисобга олган ҳолда сараланади.

2.3. Туксизлантирилган уруглик чигитларни тайёрлаш технологияси

Туксизлантирилган чигитни тайёрлаш технологик жараёни куйидаги этапларни уз ичига олади: тукли чигитларни тозалаш ва сортировка килиш, механик туксизлантириш, калибрлаш (чигитнинг улчамлари бўйича гуруҳларга ажратиш), кимёвий зарарсизлантириш ва кадоклаш.

Чигитни ифлос аралашмалардан тозалаш УСМ-А русумли пневматик чигит тозалагич курилмасида ва МС русумли механик чигит тозалагичда амалга оширилади. сортировка килиш СПС русумли сортировкалаш машинаси (мехнат унумдорлиги – 4-6,5 т/соат) машиналарда амалга оширилади. Чигит ОС ёки 4СОМ русумли машиналар (чигит бўйича мехнат унумдорлиги 400 кг/соат) да туксизлантирилади. Туксизлантирилган чигитларни улчамлар бўйича калибрлаш учун КСМ 1 - 1,5 русумли ускунаси кулланилади.

Кейинги йилларда чигитларни кимёвий усул билан туксизлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Чигитларни кимёвий туксизлантириш уларни шкастланишидан саклайди. Натижада кадалган чигитлар бир текисда нуксонсиз униб чикади. Зарарсизлантириш – СПС-3М (мехнат унумдорлиги – 5 т/соат; зарарсизлантирувчи дори сарфи 7 кг/соат), 20СХ ёки шунга ухшаш бошка машиналарда амалга оширилади. Кадокланган чигитли халталарни 33-ЕМ русумли тикув машиналари ёрдамида тикилади.

2.4. Туксизлантирилган уруглик чигитларни тайёрлашнинг такомиллашган технологияси

Туксизлантирилган уруглик чигитни тайёрлаш технологик жараёни ишлаб чиқариш корхоналарида куйидаги этапларни уз ичига олади: тукли чигитларни тозалаш ва сортировка қилиш, механик туксизлантириш, калибрлаш (чигитнинг улчамлари буйича гурухларга ажратиш), кимёвий зарарсизлантириш ва кадоклаш.

Ушбу технологик тизим буйича асосий жараён чигитни ОС русумли машиналарда туксизлантиш хисобланади. Ушбу машинада уруглик чигитни туксизлантиришда чигитларнинг шикастланиш даражаси 3 % ни ташкил этади.

Хозирги вақтда 1ЛБ русумли колосниксиз линтер яратилган булиб, илгор корхоналарда синовдан утказилган. Ушбу линтерда уруглик чигитни дастлаб линтерлаб кейин туксизлантириш машинисидан утказилганда уруглик чигитларнинг шикастланиш даражаси 1,5 % гача камайиши амалда синаб курилган. Линтернинг иш унумдорлиги 600 кг/соат ни ташкил этади.

Шунинг учун вилочтимиз пахта тозалаш заводларида ушбу линтерлардан куйидаги технологик схема буйича фойдаланишни тавсия этаман.

**Туксизлантирилган уруглик чигитларни тайёрлашнинг такомиллашган
технологик схемаси**



2.5. Пахта тозалаш заводининг ишлаб чиқариш дастурини ҳисоблаш.

Ишлаб чиқариш дастурини ҳисоблашдан мақсад пахта тозалаш заводини бир йилда қанча маҳсулот ишлаб чиқариш миқдорини аниқлашдан иборат.

1. Заводнинг бир йилда ишлаш вақтини ҳисоблаш.

Заводнинг бир йил ишлаш вақти қуйидагича аниқланади.

$$T = [N - (N_d + N_b + N_k)] * N_c * t_c * \phi$$

бу ерда:

N -бир йилдаги кунлар сони

N_d -дам олиш кунлари сони

N_b -байрам кунлари сони

N_k -заводнинг капитал таъмирлашга сарф қилинадиган кунлари сони

N_c -бир суткадаги сменалар сони

t_c -бир сменадаги соатлар сони

ϕ -ускуналардан фойдаланиш коэффициенти

$$T = [365 - (52 + 9 + 32)] * 3 * 8 * 0,92 = 6005,76 \text{ соат}$$

2. Заводнинг йил давомида ишлаб чиқарадиган тола миқдорини ҳисоблаш.

$$Q_T = (K_m * K_A * P_{ур} * T) : 1000, \text{ тонна}$$

бу ерда:

K_m - заводда урнатилган жинлар сони, дона

K_A -битта жиндаги арралар сони

$P_{ур}$ -жиннинг иш унуми, кг.арра.соат

$$Q_T = (4 * 90 * 12,5 * 6005,76) : 1000 = 27025,92$$

3. Заводнинг доимий ишлаши учун керак буладиган пахта хом ашёси миқдори ҳисоблаш.

$$Q_n = \frac{Q_t * 100}{B_t} = \frac{27025,92 * 100}{33,6} = 80434,28$$

4. Заводда ишлаб чиқариладиган пахта ва тола ҳажми ҳисоби

2.5-жадвал

Тола навлари бўйича пахта ассортименти

Пахта нави	Пахта ҳажми		Тола навлари бўйича пахта ҳажми										Саноат навлари бўйича тола чиқиши ва ҳажми	
			1		2		3		4		5			
	%	т	%	т	%	т	%	т	%	т	%	т	%	т
I	80	64348,2	80	64348,2									35,0	22521,8
II	7,2	5791,3			7,2	5791,3							32,4	1876,3
III	4,4	3539,1					4,4	3539,1					29,6	1047,5
IV	7,5	6032,6							7,5	6032,6			22,9	1381,4
V	0,9	723,9									0,9	723,9	27,4	198,3
жами	100	80435,28	80	64348,2	7,2	5791,3	4,4	3539,1	7,5	6032,6	0,9	723,9	33,6	27025,9

5. Тола навларининг сифати бўйича ассортименти

2.6-жадвал

Пахта толасининг синфлари бўйича ассортименти

Пахта нави	Тола ҳажми		Давлат стандарти бўйича тола сифати									
			Аъло		Яхши		Ўрта		Оддий		Ифлос	
	т	%	т	%	т	%	т	%	т	%	т	%
I	22521,8	35,0	20720,0	92	1801,8	8						
II	1876,3	32,4	112,5	6	1763,8	94						
III	1047,5	29,6			52,3	5	995,2	95				
IV	1381,4	22,9					41,4	3	1340,0	97		
V	198,3	27,4									198,3	100
Жами	27025,9	33,6	20832,5		3617,9		1036,6		1340,0		198,3	

6. Хом ашё ва тайёр махсулот баланси

а). 1-жадвалдан пахта ассотименти буйича ҳажми олинади

б). 2 жадвалдан пахта навлари сифати буйича тола чикиши ва миқдори олинади

в). пахтанинг навлари буйича улук, момик, толали чикиндилар ва угарнинг чикиши завод курсаткичларидан олинади

г). улук, момик, толали чикиндилар ва угарнинг миқдори куйидаги формула оркали топилади

$$q_{ул} = \frac{Q_m}{100} * B_{ул} \quad q_m = \frac{Q_m}{100} * B_m \quad q_{мч} = \frac{Q_m}{100} * B_{мч} \quad q_{уг} = \frac{Q_m}{100} * B_{уг}$$

д). улук, момик, толали чикиндилар ва угарнинг уртача чикиши куйидаги формула оркали топилади

$$B_{ур} = \frac{q_I + q_{II} + q_{III} + q_{IV} + q_V}{Q_n} * 100\%$$

е). Чигитнинг чикиши пахта нави буйича куйидаги формула оркали топилади

$$B_q = 100 - (B_r + B_{ул} + B_{тч} + B_{уг}), \%$$

ж). Пахтанинг хар бир навидан олинадиган чигит миқдори куйидагича топилади

$$q_x = Q_n * B_q / 100, \text{ тонна}$$

2.7-жадвал

Ишлаб чиқаришда пахдан олинадиган махсулотлар баланси

Пахта нави	Пахта		Тола		Чигит момик билан		Ўлук		Толали чикинди		Угар	
	%	т	%	т	%	Т	%	т	%	т	%	т
I	80	64348,2	35,0	22521,8	55,9	20782,7	0,7	260,3	3,8	1412,8	4,6	1712
II	7,2	5791,3	32,4	1876,3	55,6	1859,8	0,9	30,1	7,0	234,2	4,1	137
III	4,4	3539,1	29,6	1047,5	53,7	1077,7	1,0	33,4	11,0	224,9	4,7	96,
IV	7,5	6032,6	22,9	1381,4	30,1	1049,2	1,4	48,8	4,6	160,3	41,0	142
V	0,9	723,9	27,4	198,3	48,8	204,4	1,3	5,5	7,8	32,6	14,7	61,
	100	80435,28	33,6	27025,9	53,6	24973,5	0,8	378,1	4,4	2064,8	7,3	343

7. ПТЗ бош биносидаги асосий технологик машиналарнинг иш режаси

Тола микдори 1 жадвалдан олинади – 27025,9

Жинлар сони – 4 та

Жинларинг иш унуми (П), уртача пахта навлари буйича куйидагича такчимланади

I-нав пахта учун, $P_I = P_{yp} + 1 = 10 + 1 = 11$

II-нав пахта учун, $P_{II} = P_{yp} = 10$

III-нав пахта учун, $P_{III} = P_{yp} - 1 = 10 - 1 = 9$

IV-нав пахта учун, $P_{IV} = P_{yp} - 2 = 10 - 2 = 8$

V-нав пахта учун, $P_V = P_{yp} - 3 = 10 - 3 = 7$ кг/арра.соат

2.8-жадвал

Аррала жин урнатилган цехнинг ишлаб чикариш дастури

Курсаткичлар	Улчов бирлиги	Пахтанинг нави					Жами
		1	2	3	4	5	
Пахта ҳажми	Т	64348,2	5791,3	3539,1	6032,6	723,9	80435,2
Жинлар сони	Дона	4	4	4	4	4	4
Арралар сони	Дона	360	360	360	360	360	360
Жинларнинг иш унумдорлиги	Кг/арра. Соат	11	10	9	8	7	9
Ажратилган тола микдори	Т	13012,5	1084,3	605,5	798,2	114,5	15614,9
Ишлаб чиқилган чигит микдори	Т	20782,7	1859,3	1077,7	10049,2	204,4	24973,5
Навлар буйича жинлаш иш вакти	Соат	4549,8	417	2587	3837	62,9	6673

8. Линтерлаш булими

Жинлашдан кейинги чигитнинг миқдори 3 жадвалдан олинади

Линтерлар сони момикни чигитдан ажратиш олиш даражасига ва линтерларнинг канча чигит утказишига караб ҳисобланади.

А - типдаги момик ажратиш, чигит массасига нисбатан 2,0-2,5% ажратилганда, P_n -800-1000 кг/соат.

Б - типдаги момик ажратиш, чигит массасига нисбатан 2,5-3,2% ажратилганда, P_n -700-800 кг/соат.

Линтерлар сони куйидагича топилади

$$K_n = \frac{q_n * 1000}{P_n * T} = \frac{24973,5 * 1000}{1000 * 6005,7} = 4 \text{ та линтер}$$

бу ерда:

q_n -чигит массаси, тонна

P_n -лиинтерларнинг иш унуми, кг/соат

Чигит миқдори А типдаги момик ажратилгандан кейин куйидагича ҳисобланади

$$q_n^A = q_n - q_m^A = 24973,5 - 668,8 = 24304,7 \text{ тонна}$$

Б типдаги момик ажратиш натижасида ҳосил булган чигит миқдори куйидагича ҳисобланади

$$q_n^B = q_n - q_m^B = 24973,5 - 286,6 = 24686,9 \text{ тонна}$$

ПТЗнинг чигитни линтерлаш булимини иш режаси

№	Линт типи	Чигит буйича иш унуми, кг/соат	Момик чикиши, %	Урнатилган линтерлар сони, дона	Линтерлашд ан олдин чигит микдори, т	Ажратилган линт микдори, т	Линтерлаш, ан кейин олинган чигит микдори
1	А	1000	2,5	4	24973,5	668,8	24304,7
2	Б	800	3,2	4	24304,7	286,6	24018,1

9. Пресслаш булимнинг иш режаси

завод бош биносининг пресслаш булимида тайёр махсулотлар тола, момик, толали чикиндилар тойланади ва чикадиган махсулотнинг микдори ва сифати назорат қилинади.

Пресслаш булимнинг асосий технологик ускуналарининг иш режаси

№	Курсаткичлар	Улчов бирлиги	Пресслаш булимнинг қуввати			
			Тола пресси	А-типтаги момик тойлашда	Б-типтаги момик тойлашда	Толали чикиндил арни тойлашда
1	Пресс сони	Дона	2	1	1	
2	Йил давомида иш вақти	Соат	6005,7	6005,7	6005,7	6005,7
3	Тойнинг уртача массаси	Кг	220	230	230	230
4	Махсулотнинг умумий массаси	Т	15614,9	668,8	286,6	2064,8
